

«Бетакроримсан, ягонасан, она ватанум — Ўзбекистонум!»

Shu aziz VATAN — barchamizniki!



O'ZBEKISTON O'VOZI

• 2015-yil, 18-iyul. Shanba • 83 (31.986)

Ijtimoiy-siyosiy gazeta

• 1918-yil 21-iyundan chiqq boshlagan

• www.uzbekistonovozi.uz

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ ЙИГИРМА ТҮРТ ЙИЛЛИК БАЙРАМИГА ТАЙЁРГАРЛИК КЎРИШ ВА УНИ ЎТКАЗИШ ТЎҒРИСИДА

Халқимиз асрлар давомида интилиб яшаган ва курашган, мустақиллик деган бебаҳо нъматнинг қадр-қимматини теран идрок этиш, ўтган давр мобайнида босиб ўтган оғир ва машаққатли, айни вақтда шарафли йўлимиз, кенг қўламли ислохотларимиз, қўлга киритган улкан ютуқларимизнинг туб моҳияти ва аҳамиятини юртимиз ва жаҳон жамоатчилигига етказиш, содда қилиб айтганда, биз кеча ким эдигу бугун ким бўлганимизни англаш, ватандошларимизни янги марралар сари руҳлантириш, биз учун энг улуг, энг азиз айём бўлмиш Мустақиллик байрамини юксак даражада ўтказиш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма тўрт йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича республика комиссиясининг таркиби иловага мувофиқ тасдиqlансин.

2. Республика комиссияси бир ҳафта муддатда «Бетакроримсан, ягонасан, она Ватанум — Ўзбекистонум!» деган эзгу ғояни ўзида мўжассам этган ташкилий-амалий, маданий-маънавий ҳамда тарғибот-ташвиқот ишлари дастурини ишлаб чиқсин.

3. Мазкур дастурни ишлаб чиқишда қуйидаги устувор йўналишларга алоҳида эътибор қаратиш тавсия этилсин:

мустақиллик биз учун миллий давлатчилигимизни, ўзлгимиз, инсоний ҳақ-хуқуқ ва қадр-қимматимизни тиклаш, урф-одат ва анъаналаримизни, муқаддас ислом динимиздан, буюк аجدодларимизнинг табарруқ номларини улуғлаш, соғлом ва баркамол янги авлоднинг шакллантириш бўйича илгари тасаввур ҳам қилиб бўлмайдиган беқиёс имкониятлар очиб берганини кенг акс эттириш;

Ўзбекистон ўз вақтида собиқ мустақил давлатнинг маъмурий-буйруқ-бозлик тизимидан, бирёқлама ривожланган ночор иқтисодиётдан, «шок терапияси» каби номатқул моделлардан бутунлай воз кечиб, машхур беш таърихнинг асосланган ўз тараққиёт йўлини қатъий танлаб олгани ва дунёда «ўзбек модели» сифатида эътироф этилган ушбу ривожланиш стратегиясининг реал натижаларини аниқ таҳлиллар орқали очиб бериш;

якин ўтмишда қолоқ аграр республика бўлган, иқтисодиётининг асосини пахтачилик ва пахтани қайта ишлаш қорхоналари ташкил этган Ўзбекистоннинг бугунги кунда саноати тез суръатлар билан ривожланиб бораётган, замонавий ишлаб чиқариш тармоқларини барпо этиш ҳисобидан иқтисодиётда саноатнинг улуши 25 фоизга етган, экспортдош рақобатдош маҳсулотларнинг 60 фоиздан ортиги юқори технологияларга асосланган соҳаларда ишлаб чиқарилаётган, куч-қудрати ва салоҳияти юксалиб бораётган мамлакатга айланишини кўрсатиш;

тарихан қисқа даврда мамлакатимиз иқтисодиёти 5,5 баробардан кўпроқ ўсгани, аҳолиимизнинг реал даромадлари жон бошига ҳисоблаганда қарийб 9 баробар ошгани, бунга эришиш учун ўтган давр мобайнида иқтисодиётимизга 190 миллиард доллар ҳажмидаги инвестициялар, жумладан, 65 миллиард доллардан ортиқ хорижий сармояларни

жалб этиш ҳисобидан биз учун мутлақо янги бўлган автомобилсозлик, нефть ва газ кимёси, нефть-газ машинасозлиги, замонавий қурилиш материаллари саноати, темир йўл машинасозлиги, маиший электроника, фармацевтика, юқори технологияларга асосланган озиқ-овқат ва тўқимачилик саноати каби соҳа ва тармоқларга асос солинган атирофича ёритиш;

қишлоқ ҳўжалиги соҳасида мутлақо янги иқтисодий муносабатлар жорий этилиб, фермерлик ҳаракати ривожини учун кенг йўл очиб берилгани, бугунги кунда фермер ҳўжалиқларимиз нафақат қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларининг 90-92 фоизини ишлаб чиқараётгани, балки қишлоқ тараққиёти учун масъулиятни ўз зиммасига олган қудратли ижтимоий-сиёсий ҳаракатга айланиб бораётганини кўрсатиб бериш;

1990 йилда мамлакатимиз аҳолисининг озиқ-овқат товарлари, аввало дон, картошка, гўшт, сўт ва қандолат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжнинг импорт ҳисобидан қопланган бўлса, ҳозирги вақтда уларнинг 96 фоизи ўзимизда ишлаб чиқарилаётгани, мустақиллик йилларида аҳоли жон бошига гўшт истеъмоли 1,3 баробар, сўт ва сўт маҳсулотлари — 1,6 қарра, картошка — 1,7 марта, сабзавот — 2 баробардан ортиқ, мева — қарийб 4 қарра қўлайганини эъл-юртимиз фаровонлиги тобора ортиб бораётганининг амалий тасдиғи сифатида таъкид этиш;

мустақилликка қадар мамлакатимизда умуман мавжуд бўлмаган ки-чик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳаси бугунги кунда ялпи ички маҳсулотнинг 56 фоиздан ортигини ишлаб чиқараётгани, мазкур тармоқда жами иш билан банд аҳолининг 75-77 фоизи меҳнат қилаётгани ва бошқа мисоллар орқали юртимизда бу соҳа жадал ривожланиб, ўрта синф — мулдорлар синфининг ҳамяят таънича айланиб бораётганини намойён этиш;

ўтган даврда харид қобилияти бўйича ялпи ички маҳсулот ҳажми аҳоли жон бошига 4 марта ўсгани ва ҳозирги кунда бу кўрсаткич 6,5 минг АҚШ долларидан зиёдаи ташкил этаётганини бу борадаги амалий ишларимизнинг яққол самараси тариқасида акс эттириш;

юртимиз, шаҳар ва қишлоқларимиз қиёфаси йилдан-йилга очилиб, тобора обод ва гўзал бўлиб бораётгани, жумладан, қишлоқ жойларда маънавий лойиҳалар асосида замонавий уй-жойлар ва инфратузилма тармоқларини барпо этиш бўйича жорий этилаётган дастурларнинг ижтимоий аҳамиятини очиб бериш;

мустақилликнинг илк кунларидан бошлаб аҳолиимиз, биринчи навбатда кекса авлод вакиллари, хотин-қизлар ва ёшларга доимий эътибор ва ғамхўрлик кўрсатиш, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, оила, оналик ва болаликни ҳимоя қилиш учун давлат бюджетидан ижтимоий эҳтиёжлар, жумладан, аҳолини қўллаб-қувватлаш ва социал соҳани мустаҳкамлашга ажратилаётган йиллик ҳаражатлар изчил ошиб бораётганини, биргина 2014 йилда бу рақам 60 фоиздан ортиганини мазкур йўналишда олиб борилаётган кенг қўламли ишларимизнинг манتيқий натижаси сифатида кўрсатиш;

замонавий билим ва касб-ҳунарларни чуқур эгаллаган, мустақил фикрлайдиган, ўз она юртига меҳр ва садоқат туйғуси билан яшайдиган, ҳеч кимдан кам бўлмайдиган, ҳал қилувчи куч бўлиб майдонга чиқаётган янги авлоднинг тарбиялаш мақсадида амалга оширилаётган улкан ишларнинг моҳиятини очиб бериш. Шулар қаторида фақат сўнгги 5 йилда мамлакатимизда 278 та болалар мусика ва санъат мактаби, 523 та спорт иншооти ва 100 дан зиёд сузиш ҳавзалари қурилгани ва реконструкция қилингани, бугунги кунда 2 миллион нафар фарзандимиз, жумладан, 840 мингдан ортиқ қизларимиз спорт билан мунтазам шугулланаётгани ва бошқа мисолларда соғлом турмуш тарзи ҳаётимиз қойдасига айланиб бораётганини ёритиш;

юртимизда ҳўкм сураётган тинч ва осийишта ҳаёт, миллатлараро дўстлик ва ҳамжихатликни сақлаш, чегараларимиз дахлсизлигини асраш, узоқ ва яқин атрофимиздаги давлатлар билан дўстона муносабатлар ва ўзаро манфаатли ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш, турли минтақа ва ҳудудларда ҳавф-хатар ва таҳдидлар тобора кучайиб бораётган таҳликали замонда доимо огоҳ, сергак ва ҳўшёр бўлиб яшаш, сафарбарлигимизни янада ошириш — бугун ҳаётнинг ўзи барчамиздан талаб қилаётган энг муҳим ва долзарб вазифамиз эканига алоҳида аҳамият қаратиш;

Ўзбекистон эришаётган ютуқ ва марралар дунё ҳамжамияти томонидан кенг эътироф этилаётгани, хусусан, Жаҳон иқтисодий форуми томонидан эълон қилинган рейтингда иқтисодиёти энг тез ривожланаётган давлатлар орасида мамлакатимиз 5-ўринини эгаллагани, шунингдек, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти қўмағида АҚШнинг Колумбия университети томонидан ташкил этилган ижтимоий тадқиқотлар асосида эълон қилинган «Бутунжаҳон бахт индекси»да Ватанимиз 158 та мамлакат ўртасида 44-поғонани, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатлари орасида 1-ўринини эгаллагани ва бошқа мисоллар ёрдамида юртимизнинг барқарор тараққиёт суръатларини теран очиб бериш;

биз қўлга киритаётган бундай юксак натижаларнинг асосий омили ва мезони сифатида биринчи навбатда халқимизнинг фидокорона меҳнати, одамларимизнинг дунёқараши, сиёсий онги, ижтимоий фаоллиги ортиб, фуқаролик позицияси тобора кучайиб бораётганига алоҳида урғу бериш.

4. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, Тошкент шаҳар ва вилоятлар ҳўкимликларига, Хотин-қизлар қўмитаси, «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, «Нуроний» ва «Маҳалла» жамғармаларига Ватанимиз мустақиллигининг йигирма тўрт йиллик байрамини юксак савияда нишонлаш учун жойларда ҳудудий комиссиялар тузиш ва тегишли тадбирлар режасини ишлаб чиқиш топширилсин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Тошкент шаҳри,
2015 йил 17 июль

И.КАРИМОВ

САМИМИЙ ҚҮТЛОВЛАР

Муборак Рамазон ҳайити муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов номига хорижий мамлакатлар ва халқаро ташкилотлар раҳбарлари номидан самимий қўтловлар келмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
Ислам Каримов Жаноби Олийларига

Мухтарам Президент
Жаноби Олийлари!

Ийд ал-Фитр байрами муносабати билан Сизга ва мамлакатингиз халқига мен ва рафиқам Мишель Америка халқи номидан энг яхши тилақларимизни йўллаймиз.

Бутун дунё мусулмонлари қатори бизнинг қўп сонли ва фаол америкалик мусулмонлар жамоаси ҳам Рамазон ойи давомида маънавий-руҳий янгилашни ва сидқидилдан адо этилган амаллар орқали Яратганга янада яқинроқ бўлишга интилади.

Бу ой иймон-этиқод туфайли англаб етиладиган, ўз вақтини яқин кишилар даврасида ўтказиш, ночор ва муҳтожларга ёрдам қўлини чўзиш, ақлу заковат ва тинчлик ҳақида фикр-мулоҳаза юритиш дамлари бўлди. Шу билан бирга, бу ойда рўза тутиш ва ибодат анъаналари бизнинг барчамиз эъозлайдиган умумбашарий қадриятларни ёдга солди.

Кириб келаётган йил Сизга шодлик ва қувонч, фаровонлик ва бахт олиб келсин. Ҳайитингиз муборак бўлсин!

Самимият ила,

Барак ОБАМА,
Америка Қўшма Штатлари
Президенти

Шу жумладан:

Сингапур Республикаси Президенти Тони Тан Кенг Ям;

Бирлашган Араб Амирликлари Президенти Шайх Халифа бин Зоид Ол Наҳаён;

Бирлашган Араб Амирликлари Вице-президенти, Бош вазири, Дубай Амирлиги ҳўкими Шайх Мўҳаммад бин Рошид Ол Мактум;

Абу Даби Амирлиги Валиаҳди, Бирлашган Араб Амирликлари Қуролли кучлари бош қўмондони Шайх Мўҳаммад бин Зоид Ол Наҳаён;

Иордания Подшоҳи Абдуллоҳ Иккинчи бин ал-Ҳусайн;

Ўмон Султони Қобус бин Саид;

Миср Араб Республикаси Президенти Абдулфаттоҳ Саид Ҳусайн Ас-Сиси;

Эрон Ислам Республикаси Президенти Ҳасан Рўҳоний;

Туркия Республикаси Президенти Ражаб Таййиб Эрдоған;

Туркменистон Президенти Гурбангули Бердимўҳамедов;

Озарбайжон Республикаси Президенти Илҳом Алиев;

Тожикистон Республикаси Президенти Имомал Раҳмон;

Қирғиз Республикаси Президенти Алмазбек Атамбаев;

Ислам ҳамкорлиги ташкилоти Бош қотиби Ияд бин Амин Маданий йўллаган табриқларда давлатимиз раҳбарига мустаҳкам соғлиқ, муваффақиятлар, Ўзбекистон халқига тинчлик-хотиржамлик, раванқ ва фаровонлик тилаб, эзгу истақлар билдирилган.

Қўтловлар келиши давом этмоқда.

КЎРИК-ТАНЛОВ



«Ягонасан, муқаддас Ватан!»

Ички ишлар вазирлигининг Маданият саройида Ички ишлар идоралари ходимлари ўртасида «Ягонасан, муқаддас Ватан!» қўшиқлар кўрик-танловининг вазирлик миқёсидаги республика якуний босқичи ўтказилди.

► Давоми 3-бетда.

«Ўзбекистон овози» газетаси сайтида ва навбатдаги сонларида:

ПАРТИЯМИЗНИНГ НУФЎЗИ, ТАЪСИР
КУЧНИ ОШИРИШ,
сайловчилар ишончини оқлаш ҳар
биримиздан катта масъулият талаб этади



■ Бошланғич партия ташкилотлари
олдида турган долзарб вазифалар:
мулоҳаза ва таклиф

Ишониб-ишонмай Жамоатчилик қабулхонасига бордим. Бир неча кундан сўнг қўнғироқ қилиб, мурожаатим ҳал бўлганини айтишди.

ЎзХДП ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТ КЕНГАШИ: ТАЖРИБА, ТАҲЛИЛ, МУЛОҲАЗА



ОДАМЛАРНИНГ УМИДИ ВА ИШОНЧИ

сиёсий партияга катта масъулият юклайди

Кун кеча бўлиб ўтган Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши Ижроия қўмитасининг 2015 йил биринчи ярим йиллик якунига бағишланган йиғилишида партия дастурий мақсадларини тарғиб қилиш, партия электорати, сайловчиларни ўйлантираётган муаммоларни ўрганиш ва уларнинг ечимини юзасидан халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари доимий комиссиялари ва сессияларида масалалар киритиш, қабул қилинган қарорларнинг ижроси устидан изчил депутатлик назоратини ўрнатиш каби муҳим вазифалар белгиланди. Бу борада Жиззах вилоятида вазият қандай? Мазкур саволга жавоб топиш учун вилоят партия ташкилотининг бутунги фаолиятини ўрганишга қарор қилдик.

Бугун вилоятда 434 бошланғич ва ҳудудий ташкилот фаолият кўрсатмоқда. Уларнинг сафига 16 мингга яқин партия аъзолари бирлашган. Ўтган йилнинг ўзига 800 нафарга яқин киши аъзоликка қабул қилинди. Жорий йилнинг беш ойида ЎзХДПга қабул қилинган сўраб, 650 нафардан ортиқ киши ариза берди. Партия сафининг тез суръатларда ўсишига қандай омиллар сабаб бўлаётган? Шу мазмундаги савол билан яқинда ЎзХДП аъзолигига қабул қилинган айрим фуқароларга мурожаат этдик:

Шохсанам Ҳақбердиева,
Жиззах шаҳридаги транспорт ва алоқа касб-ҳунар коллежи ўқитувчиси:

— Бошланғич партия ташкилотлари ҳар қайси сиёсий партиянинг одамларга, аҳолига энг яқин бўлини ҳисобланади. Кишиларда партияга бўлган қизиқишнинг ортиши ҳам кўпроқ ана шу бўлин фаолияти билан боғлиқ. Чунки у мўайян ҳудудни, маҳалла, қорхона ёки ташкилотни қамраб олади, ўша жойдаги катта-кичик муаммолардан яхшигина хабардор бўлади. Назаримда, ЎзХДПда бошланғич ташкилотлар бошқа партияларга қараганда анча фаол. Бу эса партия электорати манфаатларини ифодалаш ва ҳимоялашда кўп келади. Шуларни назарда тутган ҳолда ушбу партия сафига бўлишга қарор қилдим.

Мавлуда Самадова,
Мирзачўл туманидаги «Дўстлик» маҳалла фуқаролар йиғини фаоли:

— Туманимизда барча сиёсий партияларнинг кенгашлари бор. Аммо ўтказилаётган катта-кичик тадбирларнинг аксариятида бошқа партияларнинг эмас, айнан ЎзХДП аъзолари, ундан сайланган депутатлар, фаоллар бош-қош. Буни инкор этиш қийин. Аслида ҳам қайси партия ҳаракатчан, ташаббускор, ташкилотчи бўлса, одамлар орасида ўша партиянинг обрўси юқори бўлади. Фаоллари фидойи бўлган партиянинг оммавийлиги ҳам ошади. Шунинг учун мен ЎзХДПни танладим.

АМАЛИЙ НАТИЖА УЧУН ИШЛАШИМИЗ КЕРАК



Мўтабар Каримова,
ЎзХДП Жиззах вилоят кенгаши раиси,
халқ депутатлари вилоят
Кенгашидаги партия гуруҳи раҳбари:

— Жиззах вилоятининг иқтисодий, ижтимоий ривожланиш омиллари ўзига хос ҳисобланади. Шунинг учун депутатларимиз туман ва шаҳарлар ҳаётини чуқурроқ ўрганишга, самарадорлигини ошириш, долзарб масалаларни ҳал қилиш бўйича тақдирлар билан чиқишга алоҳида эътибор қаратмоқда. Чунки депутат билдираётган ҳар бир тақдир, кўтариб чиқётган ҳар бир ташаббус одамларнинг турмушини янада яхшилашга, ислохотларга кенг йўл очишга хизмат қилмоғи керак.

Жорий йилнинг ўтган даврида маҳаллий Кенгашларнинг сессияларида 2, доимий комиссияларида эса 4 масаланинг кўриб чиқилгани, мансабдор ва масъул шахсларга электоратнинг ҳаётий эҳтиёжларига дахлдор жами 12 депутат сўрови киритилгани, уларнинг аксариятига вақтида жавоб олингани ҳам аслида фаолларимиз, депутатларимиз, бошланғич ташкилотларимизнинг амалий ишлари кўпайиб бораётганидан далolat беради.

Жамоатчилик қабулхоналарида ўтган йили 534, жорий йилнинг ўтган даврида эса 134 мурожаат келиб тушди. Уларнинг аксарияти қорхона, ташкилот ва муассасалар кўмағида ижобий ечим топди. Жиззах шаҳрида истиқомат қилаётган фуқаро

Фотима Ҳазраткулованинг мурожаатини олайлик. У шаҳар ва вилоят кенгашлари, депутатларимизнинг ёрдами билан Республика кардиология илмий марказида даволаниб, саломатлигини тиклаш имконига эга бўлди. Бундай мисолларни яна кўплаб келтириш мумкин.

Яқунланган йил ва шу йилнинг ўтган ойларида вилоят партия ташкилоти тизимида жами 700 га яқин турли тадбир, сиёсий ва фуқаролик маърифати тизимида 400 га яқин машғулот ўтказилди. Уларда эскича андозалардан воз кечиб, кўпроқ янгиликларни, ноанъанавий услубларни қўллашга ҳаракат қилдик. Натижада тадбирлар ҳам, машғулотлар ҳам қизиқарли, таъсирчан ўтаётди, аъзоларимизнинг фаоллиги ошди.

Албатта, ҳамма ишларимиз камчиликлардан холи, силлиқ кечаяпти, деган фикрдан йироқмиз. Арнасой, Зарбдор, Бах-

мал, Жиззах туманларидаги айрим бошланғич ташкилотларимиз фаолиятида яқин-яқиндаги сиёсий ўқувлар номига ўтказиб келинганидан кўз ююлмаймиз. Бошланғич ташкилотларнинг вазифаси, аввало, электорат билан алоқани мустаҳкамлаш, дастурий мақсад ҳамда вазифаларимизни аъзоларга етказиш, амалий ишларни кўпайтириш орқали хайрихоҳларимиз сафини кенгайтириб боришдан иборат бўлмоғи зарур, деб ўйлайман. Амалий ишлар назарий гаплардан юқори турлининг унутмаслигимиз керак.

Айнан куйи бўғинда кўплаб ижтимоий муаммоларни ҳал қилиш мумкинлигига ҳам эътибор қаратиш зарур. Бу борада партиянинг туман кенгашлари, депутатлик тузилмалари, бошланғич ташкилотлари томонидан кўпроқ ташаббуслар кўрсатилишига, тақдирлар айтилишига эҳтиёж сезилапти.

Депутат ташаббуси

Зафаробод туман Кенгаши депутати Жаҳалбой Қувондиқов ўзи сайланган ҳудудда партиянинг Жамоатчилик қабулхонаси очиш истагини билдирди. Масала ўрганиб чиқилди. Бугун у қишлоқдаги қабулхона фаолиятини юритмоқда ва сайловчиларнинг мурожаатларини қишлоқ фуқаролар йиғини, жамоатчилик, оқсоқоллар кўмағида жойида ҳал этишга эришяпти.

САФИМИЗ КЕНГАЙМОҚДА



Нарғиза Маматмуродова,
ЎзХДП «Истиқбол» ёшлар қаноти Жиззах вилоят бўлими етакчиси:

— Ўтган йили 346 нафар ёшни сафимизга қабул қилган бўлсак, шу йилнинг беш ойида бу кўрсаткич 320 нафарни ташкил этди. Ҳозир партиямиз аъзоларининг 4 минг нафардан ортиғи ёшлардир. Кейинги пайтда сафларимизни ёшартириш, партияга сиёсий фаол ёшлар оқимининг кириб келишини таъминлашга ҳаракат қилияпмиз. Бугун «Истиқбол» ёшлар қаноти партиямиз ёшларига эътиқодли ёшларни ўз атрофига жипслаштираётганини алоҳида таъкидлашни истардим.

Ёшлар орасидан бўлажак етакчиларни аниқлаш, уларни келгусида партия ташкилотларида ишлашга тайёрлашдаги фаолиятимиз ҳам ижобий самаралар бераётди. Ўтган сайловда маҳаллий Кенгашларга сайланган депутатларимизнинг 14 нафарини ёшлар ташкил этгани ҳам фикримизни тасдиқлайди. Биз ёшларнинг ҳуқуқий-сиёсий билимини ошириш, Ватан тақдирига дахлдорлик туйғусини кучайтиришга алоҳида эътибор қаратаёلمиз. Бу борада «Ёш сиёсатчи» кўрик-танлови, ўтказилаётган турли форумлар, давра суҳбатлари, сиёсий ва фуқаролик маърифати тизимидаги машғулотларнинг самараси катта бўлмоқда.

Бироқ ёшларимиз дуч келаётган айрим муаммоларни ҳал этишда, уларга ижтимоий, ҳуқуқий кўмак беришда камчиликларимизнинг борлиги ҳам сир эмас. Фикримча, бу ёшларга мўлжалланган, уларни ижтимоий, ҳуқуқий жиҳатдан қўллаб-қувватловчи ижтимоий-психологик маслаҳатхоналар ва шунга ўхшаш бошқа ёрдамчи тузилмаларни ташкил этиш зарурати пайдо бўлаётганини кўрсатади.

Депутат фикри

Депутат сўрови билан жойларда кўплаб масалалар ижобий ҳал этиляпти. Лекин, афсуски, ҳали ҳам депутат сўровларига лоқайд муносабатда бўлаётган, уларга вақтида жавоб бермаётган, зиммасидаги масъулиятни унутиб қўётган мансабдор шахслар йўқ эмас. Биз масаланинг ана шу жиҳатларини ўрганиб чиқиб, ҳудудлардаги давлат ҳокимияти ҳамда бошқарув органлари, қорхона-ташкilotлар раҳбарларининг депутатлик сўровига муносабат билдириш борасидаги тушунчаси ва масъулиятини ошириш масаласини сессия муҳокамасига киритишни режалаштиряпмиз. Бу борада тегишли қарор қабул қилиниши, керакли чоралар белгиланиши депутат сўровига қонунда белгиланган тартибда жавоб берилишида, демек, сайловчилар кўтарган масалаларга эътибор кучайишида муҳим аҳамият касб этади.



Файрат Пирназаров,
ЎзХДП Жиззах вилоят кенгаши бўлим бошлиғи:

— Жамоатчилик қабулхоналари партиямизнинг одамлар, хусусан, электоратимиз билан алоқаларини мустаҳкамлаш, уларнинг ҳаётий эҳтиёжларини ўрганишда муҳим ўрин тутди. Жойларда қабулхоналаримизга кўплаб фуқаролар мурожаат этиляпти. Масалан, яқинда арназойлик Дўстмурод Каримов ўзига тегишли бўлган уй-жойни нотариял тартибда турмуш ўртоғи номига расмийлаштириш жараёнида муаммоларга дуч келлаётгани ҳақида мурожаат этди. Туман Кенгаши депутати Эрмат Ражабовнинг ёрдами билан масала қонуний ечим топди.

Бахмал туманилик фуқаро Одил Ҳайдаровнинг иш билан таъминлаш масаласида ёрдам

сўраб партия туман кенгаши ҳошидаги Жамоатчилик қабулхонасига мурожаати ҳам мутасаддислар кўмағида ҳал этилди. Айни пайтда у туман таълим тизимида фаолият кўрсатмоқда.

Пахтакор туманидаги Буюк Ипак йўли қишлоғида партиямиз фаоли, туман Кенгаши депутати Озотой Қўшбоқовнинг ташаббуси билан тикувчилик цехи очилди. Бу эса 70 нафарга яқин қишлоқ аёлларини, асосан касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини иш билан таъминлаш имконини берди. Улар орасида иш сўраб Жамоатчилик қабулхоналаримизга мурожаат қилганлар ҳам бор, албатта.

ИШЛИ АЁЛ ЎЗ ОИЛАСИГА ҲАМ, ЖАМИЯТГА ҲАМ ФОЙДА КЕЛТИРАДИ



Жамила Шукуралиева,
ЎзХДП Жиззах вилоят кенгаши хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш сектори мудири:

— Вилотимиздаги 6 минг нафарга яқин хотин-қиз партиямизга аъзо. Электоратимизнинг ҳам салмоқли қисми хотин-қизлардан иборат. Уларнинг ҳуқуқий ва сиёсий савиясини ошириш, ижтимоий ҳаётда, сиёсий жараёнлардаги фаоллигини таъминлаш, етакчи кучга айлантириш асосий вазифаларимиздан. Бунинг учун биз ўнлаб лойиҳалар устида иш олиб бораёلمиз. Ташвиқот ишларини кучайтириш, аёлларни партиямиз сафларига, фаолиятига кенг жалб этиш натижасида маҳаллий Кенгашларга сайланган депутатларимизнинг 27 нафари-

ни хотин-қизлар ташкил этиляпти. Қонунчилик палатасига сайланган бир нафар депутатимиз ҳам аёл киши. Кўплаб фаол, ташаббускор хотин-қизларимизнинг қорхона, ташкилот ва муассасаларда раҳбар бўлиб ишлаётгани бизни қувонтиради.

Ўтган йили 16 нафар хотин-қизнинг имтиёзли кредитлар олишига ёрдам берилган эди. Улар оилавий кичик қорхоналар очишга муяссар бўлишди. Шунинг хисобига жойларда қўшимча 128 иш ўрни яратилди. Бу эса ўнлаб оилаларнинг даромадларини оширишга, аҳоли, электорат вакиллари турмуши янада фаровон

бўлишига имкон яратилганини аниқлатади.

Аҳолининг ижтимоий кўмакка муҳтож қатлами, боқувчисини йўқотган оилалар, ногиронлар, ёлғиз қариялар, ишончли тарзда манзил-ҳимоялаш, тўйлар, тантаналарни исрофгарчиликларсиз, мазмунли, ихчам ўтказиш сингари ўнлаб йўналишлардаги ишларимизда ҳали фойдаланилмаётган ҳудуд тақомиллаштиришга эҳтиёж сезилаётган жиҳатлар бор. Биз уларни ўз кучимиз, қолаверса, маҳаллий ҳокимиятлар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари кўмағида ҳал этишга ҳаракат қилаёلمиз.

ДЕПУТАТ СЎРОВИ: БУРЧ ВА МАСЪУЛИЯТНИ ҲИС ҚИЛАЙЛИК



Ақром Иномов,
халқ депутатлари Жиззах вилоят Кенгашидаги ЎзХДП гуруҳи аъзоси:

— Бир неча чакириқдан бери туман, шаҳар, вилоят Кенгашлари депутатлигига сайланиб келяпман. Сайловчиларнинг ишончини оқлаш, хоҳиш-иродаларини рўйбга чиқариш, уларни ўйлантираётган муаммолар масалаларнинг ечимини топишда депутатга берилган ваколат ҳамда имкониятлардан унумли фойдаланишга ҳаракат қилаёلمан. Депутат сўровини эса ана шундай имкониятларнинг бири деб биламан ва фаолиятимда бу институтга кўп мурожаат қилиб тураман.

Жиззах туманидаги «Қўшбармоқ» қишлоқ фуқаролар йиғинига қарашли Қаҳрамон кўчаси 23-уйда истиқомат қилаётган фуқаро Жамила Чинозова фарзандларига кам таъминланганлик нафақасини ололмаётганидан арз қилди. Туман пенсия жамғармаси

раҳбарига депутат сўрови киритдик. Масала уч кун ичида ҳал бўлди.

Ёки 4Р — 39 автомобиль йўлининг Учтепа-Оқтом участкасига эътибор қаратилмаётгани ва унинг 3 километрдан кўпроқ қисми деярли яроқсиз ҳолга келиб қолганлиги, бу эса аҳолининг ҳаёли эътирозларига сабаб бўлаётгани ҳақида Молия вазирлиги ҳузуридаги Йўл жамғармаси раҳбарига депутат сўрови билан мурожаат қилдик. Жамғарма дирекцияси масалани масъулият билан ёндашди. «Ўзавтойўл» АК жорий таъмирлаш иш тури бўйича ўрнатилган тартибда нуқсонлар далолатномаси расмийлаштирилиб, лойиҳа-смета ҳужжатлари асосида муаммони бартараф этиш учун амалий ишлар бошлаб юборилганини маълум қилди.

ЖАМОАТЧИЛИК ҚАБУЛХОНАЛАРИ

Масъума Жуматов:

— 1992 йилда турилганман. Болалиқдан ногиронлигим сабабли қийналиб юрдим. Даволашни учун имкониятимиз ҳам етарли эмасди. Газетадан партия кенгашлари ҳошидаги Жамоатчилик қабулхоналари ҳақида ўқиб қолдим. Шаҳар кенгашидаги шундай қабулхонага мурожаат қилдим. Партиянинг шаҳар ҳамда вилоят кенгашлари, депутатлари, вилоят солиқни саклаш бошқармаси менга кўмак берди. Апрель ойида Республика травматология ва ортопедия илмий-текшириш марказида даволандим. Ҳозир саломатлигим яхши.

Мамлакат Ибрагимов, уй бекаси:

— Қизимнинг тўсатдан тоби қочиб қолди. Қўлимиздан келганча қаратдик. Натижа бўлавермаган, ЎзХДП вилоят кенгаши ҳошидаги Жамоатчилик қабулхонаси ҳақида эшитганларим ёдимга тушди. Умид билан у ерга бордим. Мени тўғри тушунишди. Ёрдам кўрсатишга ваъда беришди. Чиндан ҳам, қизимнинг вилоят марказидаги шифохоналарда даволаниши учун имконият яратилди. Фарзандим соғайиб, бағримга қайтди.

Анора Эргашева, пенсионер:

— Айрим пайтларда пенсиямни вақтида ололмаётган эдим. Туман пенсия жамғармасида турли сабабларни рўқча қилишарди. Бир танишим ЎзХДП туман кенгашидаги Жамоатчилик қабулхонасига борсанг, ёрдам беришар, деди. Ишониб-ишонмай қабулхонага бордим. Кенгаш раиси Ҳасим Намозовга учрашдим, қабулхонага мурожаат қилдим. Бир неча кундан сўнг қўнғироқ қилиб, мурожаатим ҳал бўлганини айтишди. Ҳозир пенсиямни ўз вақтида олаёман.

Одамлар сиёсий партияларнинг фаолиятига уларнинг амалий ишларига қараб баҳо беришади. Амалий иш эса фаоллик, ташаббус ва изланиш бор жойдагина бўлади. Партиянинг вилоят ташкилоти, шаҳар, туман кенгашлари, депутатлик бирлашмалари, энг куйи бўғинларида ҳам фаоллик тобора кўпроқ, яққолроқ кўзга ташланыпти. Бу эса одамлар, электорат орасида партиямиз нуфузини, мавқеини белгиламоқда, бизга ишонаётган, эргашаётган кишиларни, хайрихоҳларимизни кўпайтирмоқда.

Махсус саҳифани ўз мухбирларимиз Иброҳим ЖОНУЗОҚОВ ва Бобур ЭЛМУРОДОВ тайёрлади.
Суратларда: Жиззах вилоят партия ташкилотлари фаолиятини даволат



ОБОДОНЧИЛИК

■ Гуллар шаҳри — Наманганда 54 та фаввора мавжуд. Эндиликда унинг сўлим хиёбонлари ва истироҳат боғларида замонавий шаҳарсозлик андозаларига мос янги мусиқий рангчироқли фавворалар қўрилмоқда.

Наманган шаҳрида рангли фавворалар



Мингбулок туман марказидаги Жомашўй шаҳарчасида Тохиржон Тожиев раҳбарлигида «Наманганмаҳсумон-таж» МЧЖ қурувчи-монтажчилари томонидан барпо этилаётган айлана шаклдаги рангли мусиқали фавворанинг диаметри 15 метрни ташкил этади ва соатига 40 кубометр сув айлантириш қувватига эга. Турли шаклларда тепадан, ёндан заррин товланишлар билан рақс этувчи шалола нафақат кўриниши билан, балки ўзига хос музикавий яратилиши билан ҳам аҳамиятли.

Шаҳардаги «Навбахор» марказий стадиони олдида рангли мусиқали фаввора атрофида нафақат шаҳар аҳли, балки меҳмонлар ҳам ҳордиқ чиқаришади.

— Фавворалар замонавий шаҳарсозлик архитектура-сининг ажралмас қисмидир, — дейди вилоят архитектора бошқармаси мутахассиси Одиложон Қодиров. — Шаҳар марказидаги «Конституция майдони»да яна бир замонавий фаввора Мустақиллигимизнинг 24 йиллик шодиёналари арафасида фойдаланишга топширилиши мўлжалланган. Фавворанинг умумий қиймати қарийб бир ярим миллиард сўмни ташкил этмоқда.

Гуллар шаҳри — Наманган эндиликда мусиқали камалқанг фавворалар билан ҳам безанади.

Носиржон ДЕҲҚОНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

КҮРИК-ТАНЛОВ

«Ягонасан, муқаддас Ватан!»

Ички ишлар вазири ўринбосари, полковник Алишер Мирзаев Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри бошқарларида голибликни қўлга кири-тиб, республика финалида қатнашаётганларни қўтлаб, уларга муваффақиятлар тилади.

— Мен танловнинг Тошкент шаҳар бошқаруви голибли сифатида якуний республика бошқаруви Махмуд Тоир шеъри, Улугбек Отажонов мусикаси билан айтиладиган «Жаннат ўлка» кўшигини тайёрлаб келдим, — дейди Тошкент шаҳар ИИББ ИХББ 2-диагностика бошлиғи ўринбосари Илхом Ақомов. — Рақсда Тошкент давлат миллий рақс ва хореография олий мактаби талабалари — орасингил Наргиза ва Саодат Бозорбоевалар қатнашди. Танловга пухта тайёргарлик кўришимиз учун раҳбарларимиз барча шароит ва имкониятларни яратиб беришди. Танловда юқори натижаларга эришаман, деган умиддаман.

Ота-ўйли — Толибжон ва Азизжон Азизовлар Фаргона

Давоми. Боиланиш 1-бетда.



Сайер ШОТЛУАНОВ, Темур МАМАДАЛИЕВ (ўша) оған оғатлар.

вилоят ИИББ тизимида хизмат қилишади. Улар танловга тайёрлаб келган Нуриддин Аминжонов шеъри билан ижро этилган «Ички ишлар ходимлари» кўшиги муҳлисларнинг гулдурас олқишига сазовор бўлди.

— Мен Фаргона вилоят ички ишлар бошқармасининг Ёнган хавфсизлиги тизимида қарийб 20 йилдан буюн ишлаб келаман, фарзандим Азизжон Қўриқлаш хизмати тизимида фаолият кўрсатади, — дейди Толибжон Азизов. — Ўтган йили ўтказилган танловда фахрли 2-ўринни олганмиз. ИИББ тизимида оилавий сулола сифатида Ватанга хизмат қилиш — биз учун шараф. Яна бир фарзандим ота касбини танлашни ният қилган. Ишда ҳам, санъатда ҳам оилавий сулола шайини муқаддас тутиш-ни бурчимиз, деб ҳисоблайман.

Наманган вилоят ИИББ тизимида хизмат қилиш ҳодими Жўрабек Мамадалиев томонидан Рислиғой Ҳотамова шеъри, Шавкат Турғунов мусикаси билан ижро этилган «Беклар диёри» кўшиги то якунига етгунча муҳлислар томонидан олқишлаб турилди.

— ИИББ тизимида санъат йўналишидаги барча қўриқ-танловларга қатнашиб келаман, — дейди Жўрабек Мамадалиев. — 2011 йилда ўтказилган «Ягонасан, муқаддас Ватан!» танловда 3-ўринга сазовор бўлганман. Бобомиз катта ҳофиз бўлган эканлар, менга ҳам шундан юққан бўлса, ажаб эмас. Мухлислар олқишидан катта куч олдим, ҳажжонларим кетдим. Танлов ҳам бизга билдирилган бир ишонч. Бу ишончни оқлашни бурчим, деб биламан.

— Танлов яхши ўтди, — дейди ҳакамлар ҳайъати аъзоси, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси «Ўзбекистон» телеканали бош режиссёри, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ҳодими Алишер Мадраҳимов. — Чунки бу қўриқ-танлов ҳар йили ўтказиб келинади, тажриба бор, қўшиқ матнлари, мусикалари яхши танланган. Ҳар бир ижро маҳорати, мусиқа оҳанги, матн мазмунига алоҳида эътибор қаратилди.

Қўриқ-танлов голиблари Ички ишлар вазирлигининг 1-2-3-даражали дипломлари ва қимматбаҳо совринлар билан тақдирландилар ҳамда улар иштирокида гала-концерт намойиш этилди.

Нуруллоҳ ДОСТОН,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

РЕКЛАМА

ХАЛҚ BANKI

Давлат-тижорат Халқ банкининг «Тантана» жамғарма-ютуқли омонатининг 2015 йил 15 июль куни Тошкент шаҳар, Чилонзор туманида ўтказилган тиражининг РАСМИЙ ЖАДВАЛИ

№	Вилоят филиали	Банк филиали	Банк муассасаси	Ҳисоб-варақ	Ютуқ миқдори	№	Вилоят филиали	Банк филиали	Банк муассасаси	Ҳисоб-варақ	Ютуқ миқдори
1	Қорақалпоғистон Р-си	Тўртқўл филиали	00101-Жамғарма касса	ТН1-1	227349,33 сўм	52	Самарқанд вилояти	Тойлоқ филиали	00101-Жамғарма касса	ТН1-10	111445,75 сўм
2	Қорақалпоғистон Р-си	Тўртқўл филиали	00101-Жамғарма касса	ТН1-2	174884,10 сўм	53	Самарқанд вилояти	Тойлоқ филиали	00101-Жамғарма касса	ТН1-2	94728,89 сўм
3	Қорақалпоғистон Р-си	Беруний филиали	00101-Жамғарма касса	ТН1-11	174884,10 сўм	54	Сирдарё вилояти	Сирдарё филиали	00101-Жамғарма касса	ТН1-18	111445,75 сўм
4	Қорақалпоғистон Р-си	Беруний филиали	00101-Жамғарма касса	ТН1-2	94728,89 сўм	55	Сирдарё вилояти	Сирдарё филиали	00101-Жамғарма касса	ТН1-33	231559,51 сўм
5	Қорақалпоғистон Р-си	Беруний филиали	00101-Жамғарма касса	ТН1-6	111445,75 сўм	56	Сирдарё вилояти	Сирдарё филиали	00101-Жамғарма касса	ТН1-48	231559,51 сўм
6	Қорақалпоғистон Р-си	Беруний филиали	00101-Жамғарма касса	ТН1-9	270653,97 сўм	57	Сирдарё вилояти	Сирдарё филиали	00101-Жамғарма касса	ТН1-62	341024,00 сўм
7	Қорақалпоғистон Р-си	Муйноқ филиали	00001-Муомала бўлими	ТН1-1	111445,75 сўм	58	Сирдарё вилояти	Сирдарё филиали	00101-Жамғарма касса	ТН1-64	227349,33 сўм
8	Қорақалпоғистон Р-си	Амалиёт филиали	00101-Жамғарма касса	ТН1-3	94728,89 сўм	59	Сирдарё вилояти	Сирдарё филиали	00101-Жамғарма касса	ТН1-68	138935,70 сўм
9	Қорақалпоғистон Р-си	Қўнғирот филиали	00101-Жамғарма касса	ТН1-1	111445,75 сўм	60	Сирдарё вилояти	Сирдарё филиали	00101-Жамғарма касса	ТН1-70	231559,51 сўм
10	Қорақалпоғистон Р-си	Тахтақўл филиали	00101-Жамғарма касса	ТН1-2	94728,89 сўм	61	Сурхондарё вилояти	Учқизил филиали	00000-Муомала бўлими	ТН1-1	227349,33 сўм
11	Қорақалпоғистон Р-си	Қораўзақ филиали	00001-Муомала бўлими	ТН1-16	94728,89 сўм	62	Тошкент вилояти	Бўстонлиқ филиали	00000-Муомала бўлими	ТН1-10	231559,51 сўм
12	Қорақалпоғистон Р-си	Элликқалъа филиали	00101-Жамғарма касса	ТН1-15	138935,70 сўм	63	Тошкент вилояти	Бўстонлиқ филиали	00000-Муомала бўлими	ТН1-24	94728,89 сўм
13	Қорақалпоғистон Р-си	Хўжайли филиали	00101-Жамғарма касса	ТН1-3	231559,51 сўм	64	Тошкент вилояти	Бўстонлиқ филиали	00101-Жамғарма касса	ТН1-36	231559,51 сўм
14	Бухоро вилояти	Олот филиали	00000-Муомала бўлими	ТН1-1	111445,75 сўм	65	Тошкент вилояти	Бўстонлиқ филиали	00101-Жамғарма касса	ТН1-46	94728,89 сўм
15	Жиззах вилояти	Амалиёт филиали	00001-Муомала бўлими	ТН1-14	174884,10 сўм	66	Тошкент вилояти	Бўстонлиқ филиали	00101-Жамғарма касса	ТН1-49	174884,10 сўм
16	Жиззах вилояти	Амалиёт филиали	00101-Жамғарма касса	ТН1-1	231559,51 сўм	67	Тошкент вилояти	Бўстонлиқ филиали	00101-Жамғарма касса	ТН1-59	94728,89 сўм
17	Жиззах вилояти	Амалиёт филиали	00101-Жамғарма касса	ТН1-10	111445,75 сўм	68	Тошкент вилояти	Зангиота филиали	00101-Жамғарма касса	ТН1-11	231559,51 сўм
18	Жиззах вилояти	Амалиёт филиали	00101-Жамғарма касса	ТН1-3	111445,75 сўм	69	Тошкент вилояти	Зангиота филиали	00101-Жамғарма касса	ТН1-14	111445,75 сўм
19	Жиззах вилояти	Амалиёт филиали	00101-Жамғарма касса	ТН1-4	94728,89 сўм	70	Тошкент вилояти	Зангиота филиали	00101-Жамғарма касса	ТН1-9	227349,33 сўм
20	Жиззах вилояти	Зарбдор филиали	00001-Муомала бўлими	ТН1-5	94728,89 сўм	71	Тошкент вилояти	Чирчиқ филиали	00101-Жамғарма касса	ТН1-7	138935,70 сўм
21	Қашқадарё вилояти	Шаҳрисабз филиали	00101-Жамғарма касса	ТН1-7	138935,70 сўм	72	Тошкент вилояти	Бекобод филиали	00101-Жамғарма касса	ТН1-3	138935,70 сўм
22	Қашқадарё вилояти	Китоб филиали	00101-Жамғарма касса	ТН1-10	270653,97 сўм	73	Тошкент вилояти	Бекобод филиали	00101-Жамғарма касса	ТН1-4	94728,89 сўм
23	Қашқадарё вилояти	Китоб филиали	00101-Жамғарма касса	ТН1-31	227349,33 сўм	74	Тошкент вилояти	Бекобод филиали	00101-Жамғарма касса	ТН1-6	505220,74 сўм
24	Қашқадарё вилояти	Қамаши филиали	00101-Жамғарма касса	ТН1-2	111445,75 сўм	75	Тошкент вилояти	Ангрен филиали	00101-Жамғарма касса	ТН1-2	94728,89 сўм
25	Қашқадарё вилояти	Миришкор филиали	00101-Жамғарма касса	ТН1-3	138935,70 сўм	76	Тошкент вилояти	Зафар филиали	00000-Муомала бўлими	ТН1-1	94728,89 сўм
26	Навоий вилояти	Қизилтепа филиали	00101-Жамғарма касса	ТН1-10	227349,33 сўм	77	Тошкент вилояти	Амалиёт филиали	00101-Жамғарма касса	ТН1-12	174884,10 сўм
27	Навоий вилояти	Қизилтепа филиали	00101-Жамғарма касса	ТН1-4	94728,89 сўм	78	Тошкент вилояти	Амалиёт филиали	00101-Жамғарма касса	ТН1-17	138935,70 сўм
28	Наманган вилояти	Амалиёт филиали	00101-Жамғарма касса	ТН1-17	341024,00 сўм	79	Тошкент вилояти	Амалиёт филиали	00101-Жамғарма касса	ТН1-3	270653,97 сўм
29	Наманган вилояти	Амалиёт филиали	00101-Жамғарма касса	ТН1-2	111445,75 сўм	80	Тошкент шаҳри	Миробод филиали	00101-Жамғарма касса	ТН1-2	111445,75 сўм
30	Наманган вилояти	Амалиёт филиали	00101-Жамғарма касса	ТН1-28	227349,33 сўм	81	Тошкент шаҳри	Миробод филиали	00101-Жамғарма касса	ТН1-8	270653,97 сўм
31	Наманган вилояти	Амалиёт филиали	00101-Жамғарма касса	ТН1-31	138935,70 сўм	82	Тошкент шаҳри	Амалиёт филиали	00101-Жамғарма касса	ТН1-1	138935,70 сўм
32	Наманган вилояти	Амалиёт филиали	00101-Жамғарма касса	ТН1-39	505220,74 сўм	83	Тошкент шаҳри	Амалиёт филиали	00101-Жамғарма касса	ТН1-19	1326204,45 сўм
33	Наманган вилояти	Амалиёт филиали	00101-Жамғарма касса	ТН1-40	270653,97 сўм	84	Тошкент шаҳри	Амалиёт филиали	00101-Жамғарма касса	ТН1-38	111445,75 сўм
34	Наманган вилояти	Амалиёт филиали	00101-Жамғарма касса	ТН1-46	111445,75 сўм	85	Тошкент шаҳри	Амалиёт филиали	00101-Жамғарма касса	ТН1-4	270653,97 сўм
35	Наманган вилояти	Амалиёт филиали	00101-Жамғарма касса	ТН1-57	111445,75 сўм	86	Тошкент шаҳри	Амалиёт филиали	00101-Жамғарма касса	ТН1-53	174884,10 сўм
36	Наманган вилояти	Амалиёт филиали	00101-Жамғарма касса	ТН1-71	138935,70 сўм	87	Тошкент шаҳри	Амалиёт филиали	00101-Жамғарма касса	ТН1-9	341024,00 сўм
37	Наманган вилояти	Поп филиали	00101-Жамғарма касса	ТН1-4	174884,10 сўм	88	Тошкент шаҳри	Мирзо Улугбек филиали	00002-Муомала бўлими	ТН1-7	174884,10 сўм
38	Наманган вилояти	Тўрақўрғон филиали	00001-Муомала бўлими	ТН1-1	174884,10 сўм	89	Тошкент шаҳри	Юнусобод филиали	00101-Жамғарма касса	ТН1-25	341024,00 сўм
39	Наманган вилояти	Тошбулоқ филиали	00101-Жамғарма касса	ТН1-20	138935,70 сўм	90	Тошкент шаҳри	Юнусобод филиали	00101-Жамғарма касса	ТН1-48	341024,00 сўм
40	Наманган вилояти	Тошбулоқ филиали	00101-Жамғарма касса	ТН1-35	231559,51 сўм	91	Тошкент шаҳри	Юнусобод филиали	00101-Жамғарма касса	ТН1-50	94728,89 сўм
41	Наманган вилояти	Чортоқ филиали	00000-Муомала бўлими	ТН1-3	505220,74 сўм	92	Тошкент шаҳри	Юнусобод филиали	00101-Жамғарма касса	ТН1-7	94728,89 сўм
42	Наманган вилояти	Чортоқ филиали	00101-Жамғарма касса	ТН1-25	94728,89 сўм	93	Тошкент шаҳри	Яшнобод филиали	00101-Жамғарма касса	ТН1-24	111445,75 сўм
43	Наманган вилояти	Норин филиали	00101-Жамғарма касса	ТН1-4	174884,10 сўм	94	Тошкент шаҳри	Яшнобод филиали	00101-Жамғарма касса	ТН1-27	94728,89 сўм
44	Наманган вилояти	Норин филиали	00101-Жамғарма касса	ТН1-6	111445,75 сўм	95	Тошкент шаҳри	Яшнобод филиали	00101-Жамғарма касса	ТН1-37	94728,89 сўм
45	Самарқанд вилояти	Жомбой филиали	00101-Жамғарма касса	ТН1-6	227349,33 сўм	96	Тошкент шаҳри	Яшнобод филиали	00101-Жамғарма касса	ТН1-4	270653,97 сўм
46	Самарқанд вилояти	Пахтачи филиали	00101-Жамғарма касса	ТН1-4	174884,10 сўм	97	Фарғона вилояти	Кува филиали	00101-Жамғарма касса	ТН1-1	94728,89 сўм
47	Самарқанд вилояти	Пахтачи филиали	00101-Жамғарма касса	ТН1-5	138935,70 сўм	98	Хоразм вилояти	Гурлан филиали	00000-Муомала бўлими	ТН1-12	138935,70 сўм
48	Самарқанд вилояти	Самарқанд филиали	00101-Жамғарма касса	ТН1-4	227349,33 сўм	99	Хоразм вилояти	Хонқа филиали	00001-Муомала бўлими	ТН1-11	174884,10 сўм
49	Самарқанд вилояти	Самарқанд филиали	00101-Жамғарма касса	ТН1-5	138935,70 сўм	100	Хоразм вилояти	Хазорасп филиали	00001-Муомала бўлими	ТН1-4	227349,33 сўм
50	Самарқанд вилояти	Иштихон филиали	00101-Жамғарма касса	ТН1-4	138935,70 сўм						
51	Самарқанд вилояти	Темирйўл филиали	00000-Муомала бўлими	ТН1-2	174884,10 сўм						

*Изоҳ. «Тантана» жамғарма-ютуқли омонати бўйича ютуқ соҳиблари ютуқларини «Халқ банки»нинг омонат ҳисоб-варағи очилган муассасаларига мурожаат этиб, белгиланган тартибда олишлари мумкин. Мурожаат учун телефон: (0371) 120-17-57.

Хизматлар лицензияланган

Дунё

«Mers» эпидемияси ўта хавфлими?

Айни вақтда Жанубий Кореяда янги коронавирус эпидемияси тарқалганлиги, у дунё бўйлаб ёйилиб бораётгани ҳақидаги гап-сўзлар кундан-кун кўпайиб бормоқда.

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига қараганда, 2012 йилнинг сентябридан бошлаб айнан Яқин Шарқ коронавирус респиратор синдроми дунё бўйича 1368 кишида қайд этилганлиги расмий рўйхатга олинган. Шу кунгача касалланганларнинг 487 нафари оламдан кўз юмган. Айни шу синдром турлича номланмоқда, яъни туя гриппи ва «MERS» деб («MERS» — Middle East Respiratory Syndrome — Ўрта Шарқ респиратор синдроми).



Жанубий Кореяда 186 нафар кишига шу вирус юққанлиги расмий рўйхатга олинган. Улардан 35 нафари оламдан ўтган.

Вирусни юқтирганларнинг барчаси ҳозир бир қишлоқда карантин шароитида яшамоқда. Умуман, 811 киши шу қишлоқда карантинда сақлаб турилибди.

«MERS» 2012 йили дастлабки пайдо бўлишида дунёнинг 23 та мамлакатига тарқалиб, 1,5 мингдан зиёд киши бу вирусга йўлққан эди. Ўшанда мутахассислар айнан шу вирус оқибатида ўлим ҳолати бериш ҳолатини 60 фоиз деб баҳолашганди. Кейинчалик вирус ўрганилган, бу рақам 30 фоизга тушди. Хозир эса соҳа мутахассис

